

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хўжаобод туман Тиббиёт Бирлашмаси бошкармаси, унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбар Т Абдурахимов бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «IXLOS BB» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи Б Каримов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. « Пудратчи » мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи » Хўжаобод туман Тиббиёт Бирлашмасига қарашли Куп Тармокли Марказий Поликлиника булимининг стерилизация биноси ва Тез Тиббий Ёрдам булими биносинини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

1.2. «Буюртмачи» тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва бажарилган ишлар учун ишлар учун уз вақтида туловни амалга оширади.

I. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 96567000 (туксон олти миллион беш юз олти миш етти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб Газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг 10 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни 28970100 9йигирма саккиз миллион туккиз юз етмиш минг бир юз) сўмни, тегишли бюджетдан молиялаштирилган маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 67596900 (олти миш етти миллион беш юз туксон олти минг туккиз юз) сўминини «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида тулов графиги асосида ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш; Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш; Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари «Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш; «Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш; «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» томонидан тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдориди «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб ҳудудий Газначилик булинмасидан руйхатдан утган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхадани тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

«ПУДРАТЧИ»
«IXLOS BV» МЧЖ

«БУЮРТМАЧИ»
Хужаобод туман Тиббиёт Бирлашмаси

Манзил : Андижон ш. Миллий тикланиш 26а

Манзил Хужаобод туман узун куча МФЙ

х/р: 2020 8000 7009 3117 4001

х/р 10002286003236707310054001

МФО: 00078

МФО 00014

Стир: 305 799 949

СТИР 200 298 114

ОКОНХ: 412 02

ОКОНХ91511

Молия Вазирлиги Газна ҳисоб варағи


х/р 23402000300100001010

МФО 00014 ИНН 201122919

Бошлик 

Б Каримов

(имзо)

Бошлик : 

Т Абдурахимов

(имзо)

М.Ў.

М.Ў.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA

№ QF07722373

1. Loyihaning turi
SHARTNOMA

2. Loyihaning nom
Pudrat shartnomasi

(Ushbu pudrat shartnomasi «Buyurtmachi» deb ataluvchi Xo'jaobod tuman Tibbiyot Birlashmasi boshkarmasi, uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi raxbar vazifasini bajaruvchi T Abduraximov bir tomondan va «Pudratchi» deb ataluvchi «IXLOS BB» MChJ va uning nomidan Nizom asosida ish olib boruvchi B Karimov ikkinchi tomondan kelishuv asosida amaldagi qonunlarga muvofiq tuzildi 1.1. « Pudratchi » mazkur shartnoma shartlariga muvofik «Buyurtmachi » Xujaobod tuman Tibbiyot Birlashmasiga karashli Kup Tarmokli Markaziy Poliklinika bulimining sterilizatsiya binosi va Tez Tibbiy Yordam bulimi binosini joriy ta'mirlash ishlarini amalga oshiradi. "Buyurmachi" nasdiqlangan smeta bo'yicha bajarilgan ishlarni qabul qilib oladi va bajarilgan ishlar uchun o'z vaqtida to'lovni amalga oshiradi; Bajarilishi lozim bo'lgan ishlar «Buyurtmachi» tomonidan tasdiqlangan smetaga va tanlov komissiyasining qarori bilan tasdiqlangan ishlar qiymati (barcha soliqlar, yig'imlar va ajratmalarni o'z ichiga olgan xolda) ga asosan joriy narxlarda 96567000 (tukson olti million besh yuz oltmish yetti ming) so'mni tashkil etadi.)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xujaobod tuman Tibbiyot bo'limi tomonidan 05.10.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti**



06.10.2022

D.Yuldashev